



Сабуктегин (942—997) — турк хукмдори бўлиб, 977 йилдан 997 йилгача Газнавийлар давлатини бошқарган ва унинг раванк даврини бошлаган. У Газнавийлар давлатининг асосчиси Алп-Тегиннинг куёви ва Барсхон сулоласининг асосчиси ҳисобланади.

Таржимаи холи

Эрта ҳаёти

Сабуктегин огуз (туркманларнинг) Кайи кавмига мансуб бўлган (МАНБА: Фазллаллох Рошид ад-диннинг Ўгузнома). У 12 ёшида кўшни кавмлардан бири томонидан асирга олинган ва Наср-Хожи номли савдогарга сотилган. Наср-Хожи уни Самонийлар давлатининг Хуросондаги волийси Алп-Тегинга сотди. Алп-Тегин уни ўз хизматчиси қилиб тайинлади ва кейинчалик ўз кизи билан никохлаштирди.

Ҳокимиятга келиши

Алп-Тегин Самонийларга қарши кўзғолон кўтариб, Газнани эгаллади ва Газнавийлар давлатини ташкил этди. Алп-Тегин вафот этганидан сўнг, унинг ўғли Абу Исҳоқ Иброҳим ҳоким бўлди, аммо Сабуктегин унинг вориси сифатида тан олинди. 977 йилда Абу Исҳоқ Иброҳим вафот этгач, Сабуктегин Газнанинг хукмдори бўлди.

Давлатни кенгайтириш

Сабуктегин давлат ҳудудларини кенгайтириб, Балх, Кандаҳор ва катта қисм Хуросонни ўз ичига олган ҳудудларга эга бўлди. Давлат ҳудуди шарқда Инд дарёсигача етиб борди. Бағдод халифаси Сабуктегинни вассал давлатнинг қонуний хукмдори сифатида тан

олди.

Вафоти ва ворислик

997 йилда Сабуктегин вафот этди. Унинг ўлиmidан сўнг давлат киска муддатга бўлинди. Газна шахрини унинг ўгли Исмоил ибн Сабуктегин бошкарди, аммо бошка ўгли Махмуд уни бир йилдан кейин агдариб ташлади ва Газнада хукмронликни ўз кўлига олди.

Сабуктегиннинг ахамияти

Сабуктегиннинг хукмронлиги даврида Газнавийлар давлати кучли ва баркарор давлат сифатида шаклланди. У давлат бошқарувидаги заковати, харбий ютуклари ва худудий кенгайиши билан тарихда ёркин из колдирди. Унинг ўгли Султон Махмуд Газнавий унинг ишларини давом эттириб, Газнавийлар сулоласининг чўккисига чикишини таъминлади.

Абу Муслим